

# TOSHKENT OQSHOMI



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган



vtto.uz



vtto\_uz@mail.ru



@Toshkent\_oqshomi




Toshkent oqshomi



Toshkent Oqshomi\_24

№ 38 (14,141) 21 СЕНТЯБРЬ, ПАЙШАНБА 2023 ЙИЛ

Кучисан...  
енниша  
болатон!



Begoyim



АНОНС



«ХАЛҚНИНГ  
ХИЗМАТЧИСИМАН»



ҲИКОЯ:  
БИБИ САЛИМА



ЎЗБЕК ҚИЗИҚЧИЛИК  
САНЪАТИГА  
“САРТАРОШ” КЕРАК

# ТОШКЕНТ - ПАРКЕНТ ЙУЛЛАРИДА

## УЗУМ... ВИНО... ФЕСТИВАЛЬ...

«Халқаро узум сайли» фестивали Паркент тумани, Заркент қишлоғида ташкил этилган павильонларда бошланди. Тадбир доирасида узумчиликни ривожлантиришга доир илмий-амалий конференциялар, Ўзбекистон Қаҳрамони Тоживой Ризаев ҳақидаги «Туганмас хазина» ҳужжатли фильмининг премьераси, фольклоржамоалари ва эстрадасанъаткорларининг чишилари ҳамда ҳалқурф-одатлари ва анъаналарини акс эттирувчи маданий дастурлар, винолар дегустацияси ва аукционлар ўтказилди. Кўргазмаларни кўздан кечириш ва баҳолаш, фестивалнинг очилиш маросими, концерт дастурлари шулар жумласидан.

Фестивал доирасида бир қатор халқаро илмий-амалий конференциялар, бизнес-семинарлар, хорижий ва маҳаллий етакчи мутахассисларнинг маҳорат дарслари ҳам ташкил этилди. Шунингдек, ушбу фестивалга хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари, нуфузли халқаро ташкилларнинг вакиллари, Италиянинг виночилик уюшмаси раҳбари Леонардо Коммучи, Сербия Республикасининг узумчилик йўналиши бўйича илгор тадбиркорлардан бири Саша Джоник, Россия Федерациясининг Калмик давлат университети ректорининг маслаҳатчиси Очиров Баатр Владимирович маъruzachi сифатида қатнаши. Шунингдек, Корея, Сингапур, Белоруссия, Грузия, Озарбайжон каби 30 дан ортиқ давлатларнинг виночилик соҳасида етакчи хисобланган компаниялари вакиллари ташриф буюрди. Жараёнда Ўзбекистоннинг 12 та вилоятидан фермер ҳўжаликлари, мамлакатимиз вино заводлари, табиий ичимликлар, шарбатлар ва шарбат концентратлари ишлаб чиқариш корхоналари ўз экспозициялари билан иштирок этди.

Иккى кунлик илмий-амалий конференцияларда “Узум етишириш ва сақлашнинг инновацион технологиялари”, “In vitro шароитида узумнинг пайвандтаг ва пайвандтагларини кўпайтириш агротехнологияси”, “Ҳосилли токзорлар интенсив технологияси”, “Узумнинг шароббоп навларини танлаш ва етиширишда тавсиялар”, “Узумнинг кишмишибоп навларини ўстириш усусларини ҳосил ва ҳосил сифатига таъсирини ўрганиш”, шунингдек, худуднинг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш бўйича халқаро тажриба, узумчиликда стандартлаш ва сертификатлаш тизимини жорий этиш, ток тупларини яшил қисмлари билан боғлиқ ишлар борасида ҳам бир қатор маърузалар тингланди. Фестивалнинг бизнес зонасида тақдимотлар, музокаралар ўтказилди. Шартномалар ва битимлар имзолаш учун шароитлар яратилди.

Бундан ташқари, фольклор жамоалари, эстрада санъаткорлари чишилари, ҳалқ урф-одатлари ва анъаналарини акс эттирувчи кенг кўллами маданий дастур ташкил этилган. Энг яхши ошпазлар миллий пазандачилик маҳсулотлари намуналарини, узумдан анъанавий миллий ичимликлар ва ширинликлар тайёрлашни намойиш этишиди.

Айтиш жоизки, Тошкент вилоятида узумчилик мактаби, соҳага оид асосий кўрсаткичлар. Паркент узумчилик тарихи бевосита шу ерлик Тоживой Ризаев номи билан боғлиқ. Тошкент Қишлоқ ҳўжалиги институтида ўқиб, қишлоқ ҳўжалигининг зироатшунослик, боғдорчилик соҳалари бўйича таҳсил олган Тоживой Ризаев ўзи туғилган Заркент жамоа ҳўжалигига раис этиб тайинланади. Ҳудуд ер майдони асосан қир ва адирликлардан ташкил топган бўлиб, сувсиз, лалми ерларда дехқончилик қилинади, асосий ишлар оғир кўл меҳнати билан бажарилар эди. Ҳосилдорлик, ҳўжалик ишчиларининг даромади ва аҳоли турмуш тарзи ҳам ўша йиллардаги об-ҳаво, ёғингарчиликка боғлиқ бўларди. Илмий изланишлар, кузатув ва таҳлиллар натижасида Тоживой Ризаев сугорилмайдиган, ноқулай шароитдаги қир ва адирликларга узум кўчати экиш керак, деган хуросага келади. Даствлаб тажриба тариқасида 5-10 гектар ерга узум кўчати экилади. Даромад кептирмайдиган, сувсиз ноқулай деб ҳисобланган ер майдонларига узум кўчатлари экилиб, ўтган йилларда тўплangan тажриба ва кузатишлар асосида яратилган агротехник қоидаларга таяниб, парвариш қилинади. Бу эса ўз самарасини беради. 1980 йилларга келиб 200 гектар узумзор мўл ҳосил олина бошлайди. Сувсиз ерда етиширилган узум ҳосилидан яхшигина даромад қилган боғбонлар энди хеч иккиланмасдан янги узумзорлар барпо этишига киришади. 1991 йилда Заркентда узумни қайта ишлаш заводи куриб битказилиб, ишга туширилди. Заркент узумларини шу ернинг ўзида қайта ишлаш имконияти яратилди.

Кўп йиллик самарали меҳнатлари учун ва эл-юрт фаровонлигига кўшган улкан ҳиссаси учун 2001 йилда Тоживой Ризаевга Ўзбекистон Қаҳрамони унвони берилади. Ҳозирда Заркент аҳлининг ҳар бир фуқароси тадбиркор. Улар энди ҳар бир қарич ердан, ҳар бир томчи сувдан унумли фойдаланиб, даромад олишни билишади. Ҳар бир хонадонда тоннаб узумни сақлайдиган музхоналар бор. Энг муҳими, аҳоли 100 фоиз иш билан банд. Заркентликлар энди оддий боғбон эмас, уларнинг ҳар бири сувсиз ерларда узум етишириш, узумни қайta ишлаш, бир неча ой сақлаш технологияларини мукаммал ўзлаштирган ҳамда ўз бизнесини йўлга кўйилмоқда.

Фестивал дастуридан Ўзбекистоннинг етакчи виночиларининг ҳамда қўшма корхоналарнинг тақдимотлари ва дегустациялари, нодир виноларни сотиш бўйича аукционлар ҳам ўрин олди.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, қайта ишлаш бўйича республикада 2023–2026 йилларда қиймати 116 млн. АҚШ долларлик 46 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилади. Натижада 8 хилдаги янги вино маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга кўйилади, маҳсулотлар экспорти 200 млн. долларга, тайёр вино экспорти 50 млн. долларга етказилади. Шунингдек, вино маҳсулотларини ноанъанавий янгича қадоқларда ишлаб чиқариш йўлга кўйилмоқда.

Агротуризмни ривожлантириш максадида, Тошкент вилояти Паркент туманида «НоReCa» – «мәҳмонхона-ресторан-кафе» тизими ишга тушди. Дунё бозорида «НоReCa» айланма маблағи 2,4 млрд. еврога етди. Ушбу тизим АҚШ (52 %) ва Россияда (57 %) ривожланади.

Белгиланган вазифаларга кўра Самарқанд, Бухоро ва Тошкент вилоятида ертўлаларда узумчилик ва виночилик музейлари ташкил қилинади. Тошкент вилоятида ҳам жами 3 та Зангигота, Паркент, Кибрай туманларида узумни бирламчи қайта ишлаб чиқарувчи йирик корхоналар мавжуд.

Фестивал давомида бизнес тақдимотлари ва музокаралар ўтказилиб, шартномалар, битимлар имзолаш учун барча шароитлар яратилди.

Тадбир якунида энг яхши иштирокчилар бир қатор номинациялар ва пул мукофотлари билан тақдирланди. “Энг намунали стенд” Гран-при, 50 миллион сўм миқдоридаги пул мукофоти Жиззах вилоятига насиб этди.

“Ноёб узум навлари тўғрисидаги илмий ёндашуви учун”, “Узумчилик анъаналарини фаол тарғиботи учун” каби 10 дан ортиқ номинациялар ҳамда энг сифатли вино маҳсулоти ишлаб чиқарган, виночиликда инновацион технологияларни ўзлаштирган бир қатор корхоналар муносиб тақдирланди. Уларга қимматбаҳо совға ва пул мукофотлари топширилди.



## БОБУР РАСУЛОВ:

# «ХАЛҚНИНГ ХИЗМАТЧИСИМАН»

**- Депутат, эксперт, блогер... Ўзи Бобур Расулов ким?**

- Бобур Расулов – Ватанини яхши кўрадиган, халқини ҳурмат қиладиган инсон. Аслида шифокор бўлганман. Тақдир тақозоси билан тадбиркорлик билан шуғулланганман. Фарзандларим вояга етиб, ўз йўлларини топишгандан кейин халқимнинг манфаатларига кўпроқ хизмат қилиш учун депутат бўлдим. Сиз юқорида санаб ўтган соҳаларингизнинг деярли барчаси халқимиз хизматидаги соҳалардир. Бобур Расулов халқнинг хизматчиси десам муболаға бўлмайди.

**- Ростини айтганда, бугун ҳалқ дардини депутаттга, журналиста ишонмайди. Лекин блогерларга бу ишонч анча юқори. Кези келганда уларнинг сўзлари депутат ёки журналистнинг сўзидан кўра устун ҳам. Сизнинг-ча бунинг сабаби нимада?**

- Айтиб ўтишим жоизки, ҳозирги пайтда депутатларнинг имкониятлари анча кенгайган. Халқимиз олдинги даврдан хulosaga чиқарган ва ҳар доим ҳам ўз дардини депутатта айтавермайди. Хulosalar эскириб қолди. Ватандошларимизга шундай деган бўлардимки, олдин депутатта мурожаат қилиб кўринг. Кейин чиқарган хulosangiz ҳақида албатта қайта ўйлаб кўрасиз. Журналистлар ҳақида гап борар экан, бир нарсани таъкидламоқчиман: бугунги кун журналистларида жуда катта ваколатлар бор. Блогерларда ҳеч қандай муҳаррир ёки босим ўтказадиган ташкилот мавжуд эмас. Аслида бугунги кун журналистларида ҳам ҳеч қандай босим йўқ. Муҳтарам Президентимиз томонидан сўз эркинлиги кўллаб-кувватланмоқда. Кўллаб чиқишиларида журналист ва блогерларнинг фаoliyati, эркинликлари тўғрисида гапирмоқда. Аҳолининг журналистлардан кўра блогерларга кўпроқ мурожаат қилаётганинг сабаби, ҳозирги кунда бу соҳа янги ўртага чиқкан соҳаларданdir. Фикримча, бу ҳам бир тарафдан тўғри. Чунки ахборот майдонида муаммолар ҳақида қанчалик кўп гапирилса, унинг тезроқ ечимига ёътибор қаратилишига олиб келади.

**- Коррупция атамасига сиз қандай таътиф берган бўлар эдингиз?**

- Коррупция сўзи чириш, деган маънони билдиради. Бу ҳолатни тушунтириш жуда осон. Ривожланган давлатларнинг ҳам ривожланиши асосида коррупциядан холи жамият кура олганликлари ётади. Коррупция авжига чиқкан мамлакатлarda аҳолининг турмуш даражаси, яшаш шароити қониқарсиз аҳволга тушиб бораверади. Куни кеча аҳоли муҳокамасига ташланган "Ўзбекистон – 2030" стратегиясида 2030 йилларга келиб мамлакатимиз аҳолисининг турмуш даражасининг бир неча бараварга яхшиланиши ҳам қайд этилган. Бунинг учун эса, ривожланишга тўсқинлик қилиувчи асосий омил – коррупцияни йўқ қилиш керак, унга қарши жиддий курашиш керак. Курашгандан ҳам бу ишни қайсиadir ташкилотга юклаб қўйиш хотўғри. Фақатгина масъуллар эмас, аҳолининг ўзи ҳам бу иллатга сабрсиз бўлиши керак. Хориждан айнан шу соҳа бўйича маъруза қилишга келаётган маърузачилар ҳам таъкидлашмоқдаки, аҳолининг ўзи бу иллатга муросасиз бўлиши керак. Афсуски, мамлакатимиз менталитетига хос андиша туйғуси бизда кучли. "Чириш"ни енгиш фақат ўзимизга боғлиқ.

**- Яқинда ҳокимиятлар кесимида ташкил этилган "Коррупцияга қарши курашиш кенгаси" аъзосиз. Бу тузилма ҳақида ҳам бироз маълумот берсангиз.**

- Авваламбор кенгашга аъзо бўлишим сабабларидан бирини таъкидлаб ўтмоқчиман. Коррупция билан курашишда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти жуда катта. Чунки, инсонларда коррупцияга қарши муросасизликни онгларига сингдириш учун ОАВлар жуда кўл келади. Инсонлар кўриб, ўқиб, эштиб, ўзларига хulosaga чиқаришлари учун қулай омил бўлади. Аъзолигимга тўхталсан, "Коррупцияга қарши курашиш кенгаси"да, хусусан, Тошкент шаҳри ҳокимлигига тузилган кенгашда ОАВ вакиллари бўлиши керак эди. Шу сабабдан мен ва депутат Ҳусниддин Эргашевни кенгашда аъзоси сифатида қабул қилиндиқ. Яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, кенгашнинг борлиги Коррупцияга қарши курашиш Агентлиги билан боғлайдиган кўприк бўлиб қолмоқда. Чунки, кенгашда давлатнинг барча соҳаларидан вакиллар қатнашишмоқда ва улар ўз соҳалари бўйича коррупцияга қарши курашишда қилинган ишлар юзасидан ҳисоботлар беришмоқда. Муаммолар ҳамда уларнинг ечимлари хусусида айнан шу кенгашда муҳокамалар ҳам ўтказилади. Агентлик билан ҳамкорликда олиб борилган ишлар Тошкент шаҳрида самарали ва яхши кетяпти, деб айтиа оламан. Лекин баъзи вилоятлар кесимида вазият қониқарли эмас. Вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда пойтаҳт Тошкент шаҳри билан биргаликда шу йўсинда ишлар амалга оширилса, албатта кўзланган мақсадга эришамиз.

**- Юқорида айтганингиздек, вилоятлар кесимида ишлар ҳамин қадар деб. Ишларнинг шундай "ҳамин қадар" бўлишига қайсиadir маънода аҳолининг ҳуқуқий саводхонлик даражаси пастлиги ҳам сабаб бўлади. Бугун депутатлар, шунингдек, блогер сифатида айтишингиз ҳам мумкин, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш учун қандай таклифлар беришмоқда?**

- Мен хориж тажрибасини кўп таҳлил қиласман. Сингапур давлатида бугунги кунгача давлат ташкилотларида коррупциянинг олдини оилиш мақсадида "Коррупцияга қарши курашиш бюроси" деб аталадиган ташкилот фаoliyiat олиб боради. Бу ташкилотда жуда катта ваколат бор. Улар мактаб ёшдан бошлаб фарзандларига иллат ҳақида маълумот ва тушунтиришлар олиб боришиади.

Мисол учун "Антикоррупция" ОАВ томонидан Тошкент вилоятида сўровнома ўтказдик. Бунда аён бўлдики аҳолининг коррупцияга оид билимлари жуда паст. Фақатгина пора олган инсонни коррупционер деб ўйлашар экан. Ваҳоланки, пора берган ҳам, ўртада турган ҳам коррупционер ҳисобланади. Бунданташқари, танишибилишчилик, манфаатлар тўқнашуву деган тушунчалар ҳам бор. Бу атамалар ва уларнинг мазмун-моҳияти хусусида фарзандларимизга кўпроқ билимлар



беришимиз керак. Мактаб, коллеж, лицей, университетларда ҳуқуқий саводхонликни ошириш бўйича тарғибот тадбирлари ташкил этишимиз керак. Чунки, ёшлар айниқса глобаллашув даврининг ёшлари сиёсий фаол.

**- Ҳозиргача депутатлик фаoliyiatнигизда сиз дуч келган энг қийин муаммо қайси бўлган?**


- Менинг қийнайдиган нарса бу депутатларга мурожаатнинг камлиги. Шахсан ўзимдан келиб чиқиб айтаман, белгиланган вақтда белгиланган жойга бориб, сайловчилар билан учрашувда "пашша кўриб" ўтираман. Инсонлар фаол бўлиб, мурожаат қилишса, уларнинг мушкулларини осон қилсанк бизга билдирилган ишончни ҳам оқлаган бўламиз. Мурожаат қилмай туриб, депутатлар ишламайди, дейиш осон. Сиз олдин мурожаат қилиб кўринг. Агар ҳақиқатдан ҳам шундай бўладиган бўлса, исм-фамилияси билан ўша депутатни ишламайтига айтинг. Фаол депутатлар албатта мурожаат келиб тушса хурсанд бўлади. Бир инсонни муаммосини ҳал қила олиш ваколати ҳар кимга ҳам берилмаган. Лекин депутатларда ваколат ҳам, имконият ҳам бор. Нега бу шароитдан фойдаланмаслик керак? Аҳолининг фаол бўлиши ўзларининг турмуш даражаси яхшиланишига олиб келади.

Хulosaga сўз ўрнида шуни айтаманки, бугун нафақат ёшларда балки барчамизда имкониятлар жуда кенг. Битта ишни ушлаб олиб, токи уни хат ҳужжатини тўғирлагунча кутиб ўтирасдан кейинги ишларни бажариш мумкин. Инсон ҳаётни, ўз ишини, халқини, Ватанини севса албатта барчасини уddyалайди. Умр қисقا. Бу қисقا умрда ўзимиздан яхши ном, яхши из қолдириб кетишига улгуришимиз керак.

Умида ҲАҚБЕРДИЕВА сұхбатлашды



# ЎЗБЕК ҚИЗИҚЧИЛИК САНЪАТИГА “САРТАРОШ” КЕРАК



Бугун ўзбек қизиқчилик санъатига ҳамма турличи баҳо беради. Баъзилар улардан мамнун, айримлар эса олиб чиқилаётган мавзулардан бироз норози. Ўзбек қизиқчилик санъатининг илк намоёндлари таълимини олган, улар билан бирга, бир вақтда ижод қилган, устоз мақомига қадам қўяётган Валижон ШАМСИЕВ билан айни мавзуда сұхбатлашдик.

— Қизиқчилик ёки спортдан бирини танлаш керак бўлса, қай бирини танлардингиз?

— Мен иккисини ҳам танлаб бўлганман. Яқинда бўлиб ўтган каратэ спорт тури бўйича жаҳон чемпионатида ҳам жамоавий баҳсларда иккичи ўринни қўлга киритдик. Бундан ташқари, мен ўзимни фақатгина қизиқчи эмас, санъаткор деб ҳисоблайман. Боиси бир неча фильмларда роллар ижро қилдик, саҳналарда жиддий шеърлар ҳам айтамиз, монологлар ўқиймиз. Қисқаси мен икковини ҳам танлаган бўлардим.

— Устоз деб кимларни тан оласиз?

— Битта ҳарф ўргатган инсон ҳам аслида устоз. Мен ўзимдан олдин ўтган барча қизиқчиларни улар халқа қай даражада хизмат кўрсатганидан қатъий назар устоз, деб биламан. Бироқ кўпчилик билган, узоқ йиллардан бери бир саҳнада нафас олиб ижод қилиб келаётган устозим ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мирзабек Холмедов. Мен у инсон билан 1995-1996 йиллардан бери биргаман.

— Армон ёки пушаймон сизнингча қай бири оғирроқ?

— Биласизми, мени армоним йўқ, пушаймон ҳам қилмайман. Тўғри хатолар қилиб, афсусланамиз бироқ, мени хаёлимга “ундай қилсан бундай бўларди”, “бундай қилсан ундей бўларди” деган ўйлар келиши билан уни йўқотишга ҳаракат қиласман. Чунки бу – тақдир. Инсон ҳеч қачон армон билан яшамаслиги керак. Пушаймонлар, хатолар инсонни қўйнаши мумкин, аммо ўша хатолар орқали инсон ўрганади. Айтишадику, “олимни кучи нимада?” дейишса, “қаерда муаммо ёки чигаллик бўлса ҳам чиқиб кета олишида”, “авлиёни кучи нимада?”, дейишса, “шу муаммога тушмаслигида”, дейди. Яратган азиз қилсин, авлиё қилсин пушаймонлардан, армонлардан асрасин!

— Ушалган орзуларингиз ичida сизни энг кўп хурсанд қилгани қай бири?

— Халқни олқишини олсак хурсанд бўламиз. Тўғри бу оддий қарсак, Мирзабек Холмедов билан айтганимиздек:

*Сиз чаласиз қарсак қарсак қарсак,  
Лекин биз қарисак қарисак қарисак,  
Бошқаларга чалинар қарсак қарсак қарсак,  
Биз қоламиз чалиб чалак.*

Онамни Ҳажга жўнатганимда ҳам жуда хурсанд бўлганман. Ёшлигимизда онамни қўллари совуқда қотиб қолганига ҳам гувоҳ бўлганимиз. Онам мактабда фаррошлиқ қилиш билан бирга, дадала ҳам ишлар эди. Бир кўлида укам, бир кўлида ўт, бу ҳам етмагандек молни ҳам етаклаб келардилар. Мен ҳам кичкина бўлиб онамга қарашар эдим. Онамни Ҳажга жўната олганимиз бу менинг энг катта орзуларимдан бири ушалганидир.

— Ўтмишдаги одамларнинг учтаси билан гаплашиш имконияти бўлганда кимларни танлардингиз?

— Сойиб Хўжаев билан кўришгим келиб туради (кулиб).

— Ўхшаганингиз учунми?

— Балки ўхшаш жиҳатларимиз бордир. “Яхшимисиз, саломатмисиз, соғлиғингиз қандай?”, десам, “энди ёмон эмас ваплоҳу аълам. Худога шукр биз пандемиягача етиб келмадик”, деб жавоб берсалар керак (кулади Сойиб Хўжаевни ўхшатиб). Дукич эшон бобомиз билан ҳам кўришгим келади. Бу рўйхатга жуда кўпларни кўшган бўлардим. Амир Темур, Захириддин Муҳаммад Бобур... Бизни тарихимида гаплашишга арзидиган шахслар жуда кўп.

— Сокинлик ёки тезлик қай бири сизнинг характеристерингизга яқинроқ?

— Менимча тезлик, кўп ишни тезлиқда битиришни яхши кўраман. Бироқ, кўриб турганингиздек, ўзига яраша сокин инсонман. Қачонки, инсон сокин бўлса, тезлиги ортади. Бу каратэда ва яна бир қанча спорт турларида исботланган.

— Бироқ қайфият кўтарадиган савол бермоқчиман. Костюм-шым ёки спорт форма, қай бирини маъқул кўрасиз?

— Иккаласи ҳам маъқул менга. Костюм-шым кийганингиздан кейин фикрлашингиз ҳам ўзгариб қолгандек туйилади. Спорт формада ҳам ўзингизни бошқача эркин ҳис қиласиз. Шундай экан, спортни ҳам ақлий меҳнатни ҳам баравар олиб бориш керак. Мен билган муваффақиятли инсонларнинг деярли барчаси спорт билан мунтазам шуғулланишган.

— Сизнингча эркак кишида бўлиши керак бўлган энг муҳим уч жиҳат қайси?

— Мардлик, меҳрибонлик, маҳоратлилик. Мардликнинг тагида жуда кўп нарса ётиди. Эркак киши меҳрибон бўлмаса, ҳурмат қозона олмайди. Унинг қаҳри фақатгина ўзининг, авлодларининг зарарига хизмат қиласди. Ўйлашимча, меҳрибонлик эркак учун энг зарур хислатлардан бири. Маҳоратлилик ҳам ҳар бир эркакда бўлиши керак ва унга ҳар жабҳада эҳтиёж тушади. Ҳатто уйда биргина чироқни алмаштириб қўйиш учун ҳам маҳорат зарур.

Бизга ёшлигимизда қабр ковлашни ҳам ўргатишар эди.

— Йигирма ёшли Валижон Шамсиевга нима деб маслаҳат берган бўлардингиз?

— Тўғрисини айтсам, йигирма ёшли Валижон билан тез-тез гаплашиб турман. Унга маслаҳатларим кўп. Шу ой охирига мўлжалланган концерт дастуримида йигирма ёшли Валижон билан гаплашаман. Келинг, яхшиси томошабинлар концертда бу саволга жавоб олишсин.

— Энг катта бойлигингиз нима?

— Энг катта бойлигим хотиржамлигим ва соғлигимда деб биламан. Чунки биринчи ўринда хотиржамлик туради. Фарзандларим, онамнинг соғлиғи катта бойлик. Санъаткор сифатидаги катта бойлигим – муҳлисларимнинг меҳр-муҳаббати, чунки у сиз санъаткор қийналиб қолади. Тўғри куруқ чапак билан оила боқиб бўлмайди, лекин, сизлар чалаверинглар (кулади).

— Бугун ўзбек қизиқчилик санъатига керак бўлган энг муҳим жиҳатлар қайсилар сизнингча?

— Бугун ўзбек қизиқчилик санъатига кўп нарса керак ёки кўп нарса керак эмас. Боиси халқимизнинг ўзи қизиқ. Уларнинг ҳаётидаги рўй берётган воқеа-ҳодисаларни маҳорат билан ижро қилиб беришилкнинг ўзи катта қизиқчилик. Бу соҳага мураккаблик шарт эмас соддалик, чин дилдан ижро етарили. Ҳозир ижросиз кераксиз инфомациялар кўпайди. Яна қизиқчилик санъатимизга “сартарош” керак. Ўсиб кетган сочларни бир шаклга келтирадиган сартарошга эҳтиёжимиз бор. Биз ҳам қўлдан келганча сартарошлик қилишга ҳаракат қилипмиз. Санъатни тарбия маскани эмас, дейиш жуда катта хато. Бу соҳа аввалдан тарбия бўла олган. Ҳар бир қизиқчи ўзига яраша мураббий. Ким қизиқчиликни тарбия маскани эмас деса, демак, у қизиқчилик билан шуғулланмаяпти. Ақл билан кулдирсан эски қизиқчилик санъатимиз меъёрларига бироз қайтсан, келажакда фарзандларимиз руҳияти ҳам қийналмайди. Инсонни кўнглини шод қилиш савоб, уни кўнглини шод қилиш билан бирга, тўғри йўлга ҳам бошлаб қўйиш иккى карра савоб менимча. Инсонни кўнгли фақат нур-зиё билан шод бўлиш керак. Ниятим, қизиқчилик санъатимизда беғуборлик йўқолмасин. Болангизни кулгусини ҳар куни кўрсангиз ҳам тўймаслигинги бежизга эмас, чунки у беғубор. Баъзидаги чон ва кампирнинг кулгусидан роҳатланасиз, чунки кексайиб улар ҳам беғубор бўлиб колган. Кулгу инсон саломатлигига ижобий таъсир кўрсатиши исботланган. Шундай экан, унинг руҳиятига ҳам салбий таъсир қилмаслиги керак.

Миржалол МАҲКАМОВ сұхбатлаши



## Кучисан... енгимла болажон!



Афсуски, бу синовли дунёда ҳамма оналарнинг ҳам орзуси ушалавермас экан. Ўзбекистонда ҳар йили мингдан ортиқ болалар онкологик ва гематологик касалликлар билан рўйхатга олинади. Улар давлатимиз эътиборида, фамхўрлигига. Аммо саратон бешафқат! Дунёнинг манаман деган ривожланган худудларида ҳам шундай оғир дард билан курашаётган миллионлаб болалар бор.

Аммо бу курашда болажонлар ҳар доим ҳам ғолиб бўлолмайди... Аксарият болалар саратон сабабли бу ёруғ оламни жуда эрта тарк этади.

2023 йил 18 сентябрь куни Тошкент шаҳридаги Ёшлар ижод саройида онкологик ва гематологик касалликлар билан курашиб келаётган болажонларни ҳам маънавий, ҳам моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида "Сен кучисан" лойиҳасининг навбатдаги тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирга дард билан курашиб келаётган ва тузалиш илинжида яшаётган ўнлаб болажонлар ота-оналари билан ташриф буюрди. Тадбир ташкилотчилари болажонларни турли-туман шириналлар, мева ва шарбатлар билан безатилган стол атрофида кутиб олиши, уларга совға-саломлар улашилди.

Тадбирда 150 дан ортиқ болалар ўзларининг 650 дан ортиқ санъат асарлари билан иштирок этилди. Бундан ташқари, болалар кўл меҳнати билан яратилган тақинчоклар, турили безак буюumlари ҳам аукционга кўйилди.

Тадбирнинг очилиш маросимида турли куй-қўшиқлар янгради. Айниқса, "Тантана" болалар рақс гуруҳининг чиқишилари ташриф буюрган мөхмонлар ва болажонларни жуда хурсанд қилди. Кечада жуда кўп нуфузли мөхмонлар, жумладан кўплаб таниқли журналистлар, фахрли мөхмонлар иштирок этди. Шундан сўнг тадбирнинг аукцион қисми бошланди.

Болажонларнинг суратлари яхшигина нархларга сотилди. Қодирберди исмли болажоннинг чизмаги сурати 12 000 000 сўмга, Маликанинг сурати 25 000 000 сўмга, Оғабекнинг тугалланмаган сурати 2 000 000 сўмга сотилди. Афсуски, Оғабекнинг ўзи бу аукционда иштирок этолмади... чунки у энди орамизда йўқ...

"Сен кучисан" лойиҳасининг ўша машҳур 12 та болажоннинг бармоқлари изи туширилган. Афсуски, айни вақтда улардан факат бир нафари ҳаёт. Сурат иккинчи марта сотовуга кўйилди ва рекорд даражада 6 000 000 сўмга баҳоланди. Бундан ташқари, деворий тахталарга илинган 650 дан ошиқ суратлар ва кўл меҳнати билан ясалган тақинчоклар ташриф буюрган мөхмонлар томонидан харид қилинди.

Тўғриси орамизда ана шундай саховатпеша ва қалби меҳрга тўла инсонлар борлигидан, улар ҳали жуда кўп болаларнинг шифо топишига ўз ҳиссаларини кўшиши мумкинлигини кўриш кўнгилларга ҳаловат беради. Яхшиям, шундай

инсонлар бор! Яхшиям, меҳрли қалблар бор!

Тадбир давомида ташриф буюрган болажонлар бир стол атрофида бирлашиб яна расмлар чизишиди. Ўша ерда чизилган суратларни ҳам тадбир меҳмонлари сотиб олишиди. Болалар ўзлари яратган асарларга бўлаётган эътиборни кўриб жуда кувонди, ҳаяжонларини яширмади.

Уларнинг кўзларидаги севинч ёшларини, яшашга бўлган илинжини кўриб бир қадар хотиржам тортдим ва уларга Яратгандан саломатлик, умр сўрадим.

Болалардан бирининг исми Қувончбек экан. У мия саратони ташхиси билан операция қилинган экан. Қувончбек айни вақтда ўзини анча яхши ҳис қилаётганини ва катта бўлганида ҳарбий бўлишини айтди. Мен унинг орзуларини ушалишини чин дилдан истадим.

Ботир исмли болакай эса катта бўлганида шифокор бўлмоқчи. Унинг ҳозирги аҳволи анча яхши. Насиб, йиллар ўтиб Ботир катта шифокор бўлганида ундан интервью оламан, деб ният қилдим. Тўрт ёшли Аҳмаджоннинг онаси ҳам фарзанди 2 ёшидан бери шу касаллик билан курашиб келаётганини айтди. Аҳмаджоннинг ҳозир аҳволи анча яхши эканлигини эшитиб кувондим.

Мубинахон 12 ёшда экан. Унинг сўзлари мени жуда ҳаяжонга солди. "Агар битта тилагингни ижобат қилиш мумкин бўлганида, ўзинг учун нима сўрардин?" деб сўраганимда у менга: "Ҳеч ким касал бўлмаслигини сўрардим", деди. Кўзларимда ўзи қалқиди... Мурғак, хаста қалбнинг тоза тилагини Яратганнинг ўзи ижобат қилсин. Ўзи бетоб бўлса-да бошқа болаларнинг ғамини еяётган бу қизалокнинг катта юрагидаги орзуларининг парвози баланд бўлишини чин дилдан истадим.

Болажонлар билан сұхбатлашар эканман, ич-ичимдан уларга ачинаяпман-у, аммо кўзларидаги яшашга, тузалишга бўлган ишончини, умидини кўриб, уларга далда бўлгим келди. Миттигина юраги билан улкан дардлар қаршисида турган норасидаларнинг жасоратига, шижаатига тан бермасликнинг иложи йўқ.

Айниқса дилбандларининг тузалиши учун шифохона йўлакларида йиллаб умрни ўтказаётган, фарзандининг умри учун боридан көчиб, кунни тунга улаётган ОНАлар олдида тиз чўкмай иложим йўқ. Оналарнинг дуоларини Аллоҳнинг ўзи ижобат қилсин!

Дард... номинг ўчсин! Оналарни зор қақшатган, жажожи болаларни синовларга ташлаган саратон номинг ўчсин!

Агар имконингиз бўлса, умид билан йўлларга кўз тиккан дардманд болалардан хабар олинг, йўқланг... Хабар олайлик, йўқлайлик... Умидларига қанот бўлайлик!

НАФИСА

# Биби Салима

Биби Салима бир кўкаламзор қишлоқда яшайди. Қишлоқ катта эмас, аммо ҳар ҳовлисидаги манзара ўхшаш.

Кўчалари тупроқ, уйлар олдидан ариқда сув ўтган. Ариқ бўйида қад кўтарган зич оқтерак япроқлари шитирлаб туради. Баъзиларининг олдида яшил тўфондай бўлиб супургилар бўй чўзибди. Аспида у бурганинг бир тури, ҳалқ дасталаб бойлаб, супурги қилиб ишлатади.

Биби Салиманинг уйига кириб борсангиз, чапда айвонли чоғроқ иморатни кўрасиз...

Этакроқда янги қурилган тандир. Ёнида лойўчоқ. Сал нарида сувпакир.

Қишлоқларда сувпакирлар алоҳида бўлади. Сув ташиган маҳал чайқалиб тўкилмаслиги учун тахтадан кўшув аломатига ўхшаган шакл ясаб, бетига ташлаб кўйилади. Умуман, кўп нарса бу ерда ёғочдан ясалади. Тандирқопко ҳам, қозон дамтовори ҳам тахтадан.

Тандир эскириб, тепа тарафи ёрилиб кетганни учун тунов куни янгисини қуришди. Тандирчи ишини битириб, Биби Салимага қараб, “Дуо қилинг”, деди.

– Йўғ-э, эркак киши турганида мен дуо қиласманми?

– деди Биби Салима, ўнғайизлани.

– Нонни сиз ёпасиз-ку, – деди тандирчи. – Мен қорган лойимга, қилган ишимга дуо қиласман. Баракани эса сиз сўранг.

– Барибарам ғалати-да.

Бегона эркак олдида: “Ҳай, майли, тинчлик-омонлик бўлсин”, деб юзига фотиҳа тортиб қўяқолган Биби Салима тандир олдига келиб, қайтадан дуо қилди.

– Сени топган-тутганимиз болаларимизга ризқ бўлсин деб курдик, – деди тандирга. – Ичинга ўт ёқамиз, ланғиллатиб чўғ уямиз. Сенинг бағринг куяди-ю, аммо биз учун қип-қизариб нонлар пишади. Илоё, ризкимизни кенг-мўл қилиб берган бўлсин, кўп йиллар рўзғоримнинг хизматини қилгин.

Биби Салима тандир оғзини ёпиб, экинларидан хабар олгани томорқага ўтди.

Ерини яхши қўради Биби Салима. Бир қаричиниям буш қолдиргиси келмайди. Тез ўсуви қовоқ ва жўхори, секин ўсуви мош-ловия пояларини қўллари билан тиклайди, гоҳида ерга чўп суқиб, пилта билан бойлаб ҳам қўяди. Ердан ризқ чиқариш осон бўлтими, эҳ-ҳе, қанча меҳнати бор? Пешона теринг чак-чак томмаса, ҳосил берармиди? Қўлинг қавариб-қавариб, белинг оғриб-оғриб меҳнат қилмасанг, ризқ чиқармиди?

Болалик маҳаллари, сандал теграсида йиғилишиб ўтиришаркан, бувилару момолар “Бир қозонда қирқ хил овқат” дегандай эртакларни айттиб беришарди. Ўйлаб кўрса, эртакдаги қозон – экинзорнинг ўзи экан. “Бу қозонда қирқ хил эмас, юз хил овқат ҳам пишади”, деб ўйлади у. Қирқ хили – одам ейдиган нарсалар. Одамдан ташқари, курту қуш, ҳашарот ейдиган яна қанчаси бор?

Тўйт ўғилтўфт пахлавондай бўлиб ётилиб келмоқда. Катталар бир коса овқат ейишса, булар икки косадан ейишади. Эр-хотин аста-секин қариб боришишоқда, болалар эса ўсишяпти. Ёш вужуднинг суяклари қотиб, пайлари қувватланаб, томирларидағи қон тобора шиддатланиб оқмоқда. Улар яна-да ўсишади, емиши бақувват бўлиши керак-ку?

Мана шундай ўйлар билан ҳаёт кечиради Биби Салима.

\*\*\*

Биби Салима осмонга қарасаем, сувларга қарасаем эрта баҳорда Худога айтган гаплари эсига тушиб, хижолатдан бети лов-лов ёниб кетаверади.

“Хотин кишиман-ку, ҳар хил гапларни гапиравераман-да”, деди ўзини оқлаб. Кейин сид-қидилдан ёлвориб тавба қилади:

“Шайтон тилимга солди-да. Бўлмаса, у гапларни айтармидим? Сенга-я?

Ҳаммасига ўзинг шоҳидсан-ку, мен бўлсам, худди маломат қилгандай гапирибман. Аттанд! Сидқидилдан тавба қиляпман, ишқилиб, ўзинг кечиргинг...

Сабаби – йўқчилик-да. Йўқчилик бўлмаса унақа дермидим?”

Шундай дейди-ю, эрта баҳордаги ўша тонгни эслаб, баттар хижолат бўлади.

Эрта баҳорда эрининг бели оғриб, ётиб қолувди. Худо рўзғорнинг ризқини эркадан берар экан. Бир-икки ҳафта ўтиб-ўтмай, ҳамма нарсанинг таги кўринди-қолди. Үн тугади, сабзвавот адоклаб, ёғ охирлади. Нима қилсан экан, деб боши қотди Биби Салиманинг. Ота бетоб бўлса, болалар ҳам довдираб

қолар экан. Назарида, уйдан барака кўтарилиб кетди. Ҳатто овқатлардан таъм кетиб қолди. Қўзига болалари ўқсик кўрина бошлиди. Ҳафта ўтди, ой ўтди. Дўхтир келди, табиб келди... дард сира кетай демасди. Қўни-қўшнидан у-бу ёрдам сўраб, рўзгорини амаллаб турган Биби Салиманинг кўнгли кўшниси ё бермаганида бир ўқсида. “Энди нима қилсан экан?”, деб уйга қайтиб кирганида, эрининг туролмай мунғайб ётишига қараб икки ўқсида.

Нимаям дерди, ҳалқ шунақа ҳаёт кечирмоқда. Ҳеч кимнинг ортиб-битиб кетган жойи йўқ. Ҳамманинг ҳар нарсаси ҳисобкитобли.

Шуларни ўйлаб туриб, Худога ёлворди:

“Шунча йил бировнинг ҳақини емасдан, дилини орғитмасдан, болаларимга ризқ бўлсин деб эгилиб-букилиб, кўзимнинг нурини, белимнинг қувватини кеткизиб меҳнатлар қилдим. Энди роса хавотирланиб қолдим. Игани учидай келадиган маҳлукларингдан тошларнинг тубидагилариғача зориқтирмасдан ризқини бераётган бўлсанг. Рўзғоримгаям бир тўкинлик ётказақол? Ахир, қудратинг олдида мен сўраганлар нима бўпти?

Ичимга шунча меҳрни солиб қўйган ўзинг-ку, деди, сидқидилдан. Нима қилай, манови жўжикларнинг кўзига қаролмаяпман.

Мана, каттам, деди. Пешанасига, бурнига бўжамалар тошиди. Бармоқларига қарасам, йиглагим келяпти. Ўзимни бармоқларим ҳам шунақа, узун-узун эди, буникиям шунақа, аммо тилиниб-қаваргани-чи? Бечора, бошини силаганимниям билмади, чарчабди-да.

Ёнидаги ўртандчам. Буам акасидай, бўй-басти узун, аммо билаклари заиф. Ҳали оғирроқ ишларни қиладиган ёшга етмади. Гавдасини ингичкалигиниям кўр, новдадай бола-ю?

Кейингиси супрақоқдим. Бу – росаям гўдак. Отаси билан ишга кетса, келгунича менга ичикиб қолади. Буам ҳорибди, бўлмаса ўйқусираб дарров бағримга кириб кетарди...

Шу тарзда, айвонда, тун қоронғусида болаларининг бошида ўтириб олиб, муножот қилаверди.

“Тошу туроқдан ҳамма нарсани пайдо қиладиган ўзингсан-ку? – деди. – Куп-куруқ ёғочдан шафтолию беҳи чиқарадиган ҳам сенсан. Экиним орасидан кераксиз ўтлар ўсиб чиқади, деб жавранаман, ўшани еб бандаларимга сутга айлантириб берсин, деб сигир ҳам яратиб қўйисан.

Эй бори Худоё, эримга шифо бер, рўзғоримга барака ато эт. Ахир, ҳаммаси ўзингни ихтиёрингдаку? Эсимни таниғанимдан бери сени тилимдан кўймайман, бир бечора бандангни шунақа хор-зор қилиб, болаларини мўлтиратиб қўяверасаним?..”

Ниҳоят, хўрзлар учинчи бор қичириб, тонг ёриша бошлаганида, ҳовлига тушди. Саҳар вақти эшикпарни очиб қўйинглар, фаришталар келиб ризқ беришади дейишарди, ростмикан? Фаришта учадиган нарса бўлди. Тавба, дарвозани бекитанинг билан ҳовли усти очиқ-ку, тепадан тушиб келавермасмикан? Йўқ, у ниҳоятда пок хилқат, дарвоза берклигини кўриб, киргани тортинса керак-да. Хижолат бўлмасдан кираверишсин, деб дарвозани очиб, яна ортига қайтди.

Қайтаётib, бирданига ақли ўзига келгандай бўлиб, ўчингириб: “Э тавба, ўзинг кечиргинг” деди. Сўрашга кўрадим, аммо айтган гапларим гуноҳга кетиб қолмасмикн?

Йўғ-э... Худо-ю? Бошқа кимдан ҳам сўрадим?

Ҳамма нарсани кўриб-билиб туради, айб бўлmas?

Кейин эса, мен нодон, битта ўзиму болаларим учун сўрайверибман-ку, деди. Ёши улуғлар ҳар доим: “Худодан бир нима сўрасанг, ҳаммага сўрагин” дейишарди. Мен эса ёлғиз ўзимга сўрабман. Худодан-а? Юзлаб оламларни беминнат яратиб, осмонда учган күшдан то дарё тошининг тубидаги кўёзиз маҳлукларигача ризқини ётказиб турган Эгамдан-а?

Э тавба, ҳалқقا сўрасам, мулки камайиб қолармиди?..”

**Исајсон СУЛТОН,  
Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси**



Тонг эндиғина ёришаётган эди. Одамлар аллакачон уйғонишиб, юмушларига уринишарди. Қайдадир пакир тарақлагани, мол бўкиргани эштилди. Ҳа, ҳамма рўзғорим дея тиришмоқда. Ҳамма учун деганда кимни назарда тутиш керак? Албатта, қишлоқдагиларни-да. Аммо теваракда бошқа қишлоқлар ҳам бор... Биби Салиманинг қалби бундан ҳам таскин топмади. Ҳа, қайлардадир, у билмайдиган маконларда у таниғану таниғанага қанчадан-қанча одам ризқ-рўз деб жонини жабборга бериб ҳаёт кечиряпти. Кимлардир у сингари эрта турган бўлса ажабмас. Элнинг куни тириқлик заҳмати билан ўтмоқда.

“Худоё, тавба қилдим, – деди қалби ёришиб. – Нодонлигимни қара. Қудратингдан айланай, эл учун берақол. Ахир, ҳар кимнинг бир камчилиги, етишмовчилиги бор. Ўзинг кўриб турибсан, ҳамма меҳнат билан овора. Кимдир нолиса, кимдир нолимайди... Ўргилай қудратингдан, баракангни бир менга эмас, бутун элга ёғдирақол!”

Кейин эса теваракка, уй-иморатга, теракнинг тўқяшил барглари орасида чирқиллаётган қушларга қараб, енгил шабада олиб келаётган турли-туман сасларга кулоқ солиб, “Сўраганларимни беришига-ку ишончим комил, аммо қанақа қилиб бераркан?”, деб ўйлади ҳайрон бўлиб.

\*\*\*

Бир ҳафталар чамаси ўтгач, эр:

– Тузаляпман, шекилли, – деди хушҳоллик билан. – Вужудимда енгиллик бор. Мадорим йўғу аммо күшдай енгилман.

– Илоё, шифо бергани рост бўлсин, – деди Биби Салима ҳам суюниб.

Ўша кечаси шамол келди.

Шамол бу маконларда қибладан эсади. Описдаги тоғлар орасида жуда катта ўтишади.

У аввалбошда пайдар-пай эсиб турди. Гоҳ шиддат урди, гоҳ сусайди. Осмонда кулранг булатлар суза бошлиди, улар ўтиб кетгач, ортидан уюм-уюм қорамтиларни келди. Биби Салима бу ҳодисаларга қараб туриб “Роса кучли эсадиганга ўхшайди-ю”, деб ўйлади.

Шамол томорқа адогидаги теракларнинг учларини эгibi-эгibi эсади. Ҳали юксакда, пастга тушгани йўқ. Кейин аста-секин қувватланаверди.

Челакдаги сувнинг ўйнаганини кўрсангиз. Устидаги сувтахтани роса чайқатди, қозон қопқогини ағанатиб-юмалатиб, ҳовли этагига олиб бориб қўйди. Ҳасларни тўйлаб-учириб, сув устига сочиб юборди. Мош-ловия палакларини юлқилади. Ям-яшил жўхориларни ёппасига бир томонга ётқизди. Эски сомонларни учирди-да, ҳовли бетига сочиб юборди. Шундан кейин янада шиддатланди. Битмаган ўйнинг эшикларини тарақлатиб ўйнади. Орқасига тош тираб қўйилган дарвоза тавақасини тош-поши билан суруб очиб юборди. Битмаган иморат ичига кириб, деразаларида бўғик хуштак чалди.

Бир кечаю бир кундуз шундай эсади. Ортидан ёмғиру жалаларни олиб келадими деган эди, йўқ, ўз-ўзидан тинди. Ярим кун ўтгач, орқага қайтиб эса бошлиди. Энди шиддати сусайган, ҳорғинлиги бор эди.

Қишлоқ ҳавоси алмашиб, нафас олиш енгил бўлиб қолди. Олча япр

...Ортидан бошқа шамол келди. Буниси аввалигисидай шиддатли ва саркаш эмас, оғир, залворли эди. Бир хилда, ўқтин-ўқтин шиддат уриб, қора булатларни суриб келди. Куппа-кундузи ҳам булатлар бағрида чақмоқлар чақнаётгани күриниб турарди.

Булатлар осмонни энлаганида ҳайбати янада ортди. Бағрини тиккасига ёриб яна чақмоқлар чаққанида тасир-тусир жала күйди. Дарров күлмаклар ҳосил бўлди, устида пуфакчалар ёрилди. Бу ёввойи шиддат Биби Салиманинг қалбини жўшириб юборди.

Лойқа, кўпикли сув экин ораларига тўлиб оқарди. Ўтлар эгилиб-эгилиб қолибди. Ёмғир дараҳтларнинг таналаридан оқиб, шовуллаган саслар ҳосил қилди. Роза ажойиб кўй чиқди: тўнкариб кўйилган челянда бошқа, тахта сўри устида бошқа, узум барглари орасида бошқа саслар бино бўлди, уларнинг бари ёмғир шовуллаши билан бирлашиб, баҳайбат ва жўшкин оҳанг яралди.

— Так-так...

— Чак-чак...

— Тик-тиқ...

“Суронини қара-я, – деб ўйлади Биби Салима. – Отам раҳматли, ёмғирлар жаннатдан ёғади дер эди, ростмикан?”

Қалдирғочлар чарх уриб айлануб учишарди. Бошқа қушлар бекиниб олишибди. Айвонда туриб, нигоҳи ҳар тарафга тентираб, бўғот остида болаларни қаноти остига олиб ўтирган мусичани кўриб қолди. “Бечора, сен ҳам энасан-да, – деди кўнгли ийиб, меҳри ортиб. – Боламга ёмғир тушмасин деб қанотинг остида олиб ўтиришингни қара!”. Бир ҳовуч арпа олиб, айвонга селиб қўйди. Мусича учуб келмади. “Ёмғирдан ҳайкди, – деб ўйлади у. – Тинсин, емишни кўриб, албатта, учуб келади”.

Ёмғир теваракни янада гуркиратди. Дараҳтлару ўтлар бир кечада ўсиб кетанига ҳайрон қолардингиз. Тупроқ сувларни шимиб олди, бағрида ҳаракатга келтириди, ўт-ўлану дов-дараҳт танасидан тиккамасига кўтарилиди, гулларгача етиб бориб, мевалар ичига сизиб кирди – жаннатдан ёқан зилол шунақа мўъжизалар ҳосил қилди.

\*\*\*

Орадан яна бир оз вақт ўтди.

Бостирамдаги сигир бўкирди. Саҳарлаб олдига ўт ташлаган эдим-ку, сувсадимикин, деб ўйлади Биби Салима. Ҳамда молчелакни кўтариб томорқа этагидаги ариқа сувга борди.

У тоғу тошлардан келадиган оқиши тусли сув эди. Ёз жазирмасида ҳам муздайлиги кетмайди. Теграсида барқ урган ялпизу курмакларни атай ўришмасди. Ялпиз уруғ солай деганида баргларини шохчалари билан узиб, куритиб қўйса, қишида овқатга солса бўлади. Куритилган ялпизни докага ўраб, устунга осиб қўйган яхши.

“Худойимнинг яна бир куни ўтди”, деб ўйлади Биби Салима, сув олар экан. Челак тўлиб, суви этагига саҷради. Қақроқ ер уни дарров шимиб олди. Муздай сув ёғига тўкила-тўкила, бостирамага бориб, челянни сигир олдига қўйди.

Бу сигир бўғоз эди. Ҳозир иссиқда қийналётгани ҳам бағрида боласи борлигидан. Иккى ёнга қаппайган қорнини кўриб раҳми келди. Сигир сувни қониб ичгач, бойлоқдан бўшатиб сояга олди.

“Яна нон ёпишим керак, – деб ўйлади. – Аммо, ун тугаган-ку? Қўшидан сўрасаммикан, деган ҳаёлга борди. Айбиди сўрасам? Сўрайман-да. Балки қоп тагида унча-мунча қолгандир, деб омборхонага кетаётгани эди, тераклардан биридан ғалати шовқин келди.

Ҳайрон бўлиб, ўша томонга йўналди. Қуёш нури кўзимга тушмасин деб кафтини соябон қилиб қараса – асалари! Сон-саноқсиз, терак шохига қўниб олишибди. Бир оила қайдандир ажралиб учуб келибди. Айниқса, битта шоҳда жуда тужон. Она асалари ўша ерда бўлса керак.

Биби Салима шошиб қолди.

Эр хийла тузалган, ўғилларини бошқариб, рўзгорга у-бу топай деб ишга чиқкан, ҳозир ўғиллари билан иккى хонадон нарида бир иморат томини ёпишишоқда эди. Ўзим борсам айб бўлар, деб кўчага чиқди. Молчелак офтобда қолиб кетаверди.

Кўчада қўшнинини болалари ўйнаб юришган экан. “Нодиржон болам, амакингизни чақириб келсангиз, қозозли қанд бераман”, деди.

Эр келгач, у ҳам суюниб кетди.

Устига тўн кийиб, юз-кўзини рўмол билан ўраб, уяни олиб тушди. Лунжига сув олиб, уяга пуркади.

Биби Салима ҳайрон қараган эди, “Устига сув пуркасанг, асаларилар ёмғир ёғяпти деб ўйлаб тек тураверишиади”, деди кулимсираб.

Кути ичига қўйишганида тўсатдан ҳавода яна сонсаноқсиз асаларилар пайдо бўлишиди. Бари ўша уяга интилар эди. Салиманинг ақли шошиди. Ия, мўъжиза рўй беряпти-ку, деди ичиди.

Эр шод эди. Болалар ҳам.

– Бирорвонни бўлса-я? – деди эрига. – Одамлардан суриштиринг-чи. Яна кимнингдир ҳақини еб кўймайлик.

Эр “Хўп”, деди.

Суриштириса, одамлар: “Ким тутиб олса ўшанини” дейишибди. Эгаси эса чиқавермади. Шунча асалари қидан келганига ўзиям ҳайрон эди. Бу теваракда ҳеч кимнинг ўйидан асалари ажралиб чиқмабди.

– Худо берган бўлса-чи? – деб кулди эри. – Булар бир йилда икки марта ажралишиди. Агар яхшилаб қарасанг, ҳаш-паш дегунча уч қути асаларинг бўлади.

\*\*\*

Ёз ўрталади. Томорқага сепилган буғдои бўлиқ бўлиқ бошоқлади.

Бошоқ деганлари мўъжизанинг нақ ўзи! Битта дондан чиқади-ю, учиди ўзи униб чиқкан дондан катта, узун бошоқ пайдо қилиб қўяди. Ингичка сариқ поя учиди шунча нарса қайдан келганига ақл шошиди. Санаб кўрса, битта дон қирқ баравар кўпайибди. Янаям ғалатиси: донлар саноғининг жуфт экани эди. Биби Салима бу бошоқда ғалати ҳикмат кўрди. “Ия, – деди ҳайратланиб. – Шуларга қараб ўзинг фикр қилиб олавер, деганимикан? Ўзимизча у-бу ишга уриниб юраверамиз-у, бир қарасанг, битта нарсанг қирқта бўлиб турибди. Тупроқ ичини минг кавлашти, егулик ҳеч нима топмайсан. Худойимнинг юратиб қўйган шу нарсалари тупроқка илдизини тикиб, қоқ ердан нок, олма, гилос, ошқовоқ, сабзию пиёз чиқарганига қара-я. На таъмию лаззати, на шакли бир-бира га ўхшайди. Одам қиласидан ишлар ҳам шунақамикан? Бир яхшилик қиласанг, қирқ мисли ортиб ўзингга қайтса... Барибарам яхши ният қиласавериш керак экан-да”, деган тўхтамга келди у.

Бўғойни ўриб тугатишган эди, сигир эгиз туғди.

Қўйлар эгиз туғиши кўрилган ҳолат, аммо сигир эгиз туғиши кам учрайди. Бир сигири учта бўлди, иккаласиям ғунажин. Бири олиб бири қўйиб, оёклари майшиша-майшиша эмгани талпинди.

Сигирнинг ҳолига қараб бўлмасди. Бузоғи тумшуғи билан тутиб эмганида мункиб-мункиб кетарди, аммо кўзлари... Ҳайвонда бунақа меҳр тўла кўзни биринчи марта кўрди Биби Салима. Авваллари кўрмаган эканими? Ёки кўрган-у, ётибиор қиласаванми?

Тавба, ҳаётда бир нима ўзгардими, деб ўйлади у ҳайрон қолиб.

Бузоқларнинг шошиб-ютоқиб эмишига қараб “Сут шулардан ортармикан?” деди. Улар тўйғач, ўзи соғишига ўтириди. Ўх-хўй, ҳали яна анча бор экан. Челак қарийб тўлди. Усти сарғиш қаймокли, майдада пуфакчалари бижирлаб турган сут иси димогига ёқди.

\*\*\*

Ниҳоят, куз келди.

Ҳосил шунақа етилди-ки!

Шафтолилар меваси кўплигидан синиб-синиб кетди. Беҳидай қайишқоқ дарахтнинг шохлари ҳам ергача эгилиб тушди. Анорлар ларzon мева туди. Ловия-ю мөш хўб етилди. Маккажўхори иккинчи ҳосилга кирди. Сигир кунига бир челақдан сут бераверди.

– Мева-сабзавотни тўплаб тутатолмадиг-а, – деди Биби Салима. – Асаларилар чунон асал тўплашди, тўлиб-тошиб, ерларга оқиб кетди. Тезда ажралганига ҳайрон қоласиз. Яна ажабланарлиси, ажралгани учб кетади-ку, тўғрими? Булар кетмагани-чи? Қутидан чиқиб шундок ёнидаги шафтолига кўниб олишаверди. Бир кутидан учта тўда чиқса-я.

“Сигир иккита туққанига ҳайрон эдим, – деди кейин. Назаримда, янаги йил яна эгиз туғавердай.

Ўзи, бир сигирим учта бўлувуди. Тағин туғса, нақ бешта бўлади-ку?

Оббо, тўқис бўйкетамиз, шекилли?”

Шундай деб, шод кулди Биби Салима.

– Йил ниҳоятда баракали келдими? – дейишарди кишилар. – Таъриф қилиб бўлмас ҳосил етилди-я?

Неки қадасангиз, ўн мисли бўлаверди. Мева-чева, сабзавот жуда арzonлади. Бу кетишида мол-кўйнинг ҳам нархи тушиб кетади-ку? Ҳар рўзгордаги сигир бехато эгиз туғаверса, бирга уч дегани-ку бу?

“Худога шукр”, дейишарди одамлар. Халқ шод эди. Ҳамма кўрган кунидан мамнун, шукр қиларди.

Одамлар орасида меҳр ортди. Тўкинликда ортар экан-да меҳр. Ҳамма бир-бирига ниманидир илинган, патир ёлиб кўшнинг чиқарган, яхши гаплар билан сийлаган... Одамлар хушнуд бўлиб қолишиди.

Худо меҳрибон-да, берган баракасига қаранглар, дейишарди. Аввал шамол эсди, кейин ёмғир ёғди. Кейин асаларилар келишиди, сут-қаймок мўл бўлди.

Хуллас, әлга бир тўкинлик ёғилдики, асти қўяверасиз...

Худо берса, шунақа берар экан-да...

\*\*\*

Бор-йўғи бир мавсум ичиди шунча ҳодиса содир бўлди. Уларнинг баъзилари одамлар онгига нималарнидир хитоб қилди, баъзилари эса аввалу охир эсадиган шамоллар каби, ўз қонуниятлари билан бир маромда, вақти соатидан оғишмасдан рўй бераверди.

Биби Салима Худодан рози бўлди. Мўъжиза деб ўйлаганларини болаларига гапириб бера экан, улар бир ишониб, кўзларини катта-катта очиб эшишиб ўтиришса, бир кулимсираб чеккага қарашарди.

– Болаларим, мен Худойимдан мингдан-минг розиман, – деди Биби Салима. – Қаранг-а, ниятни холис қиласавериш керак экан-да. Тавба, ўшандага ўзим учун сўраганимда-ю Худойим бир биззагина берганида нима бўларди? Кўни-кўшнининг кўзига қандай қараардик?

\*\*\*

Биби Салима шу воқеани айтиб берганида, балки тасодифан шундай бўлиб қолгандир, деб ўйладим. Кейин, тиник, ишонувчан нигоҳига, Худойи таоло фалакдан ато этган нур ила йўғрилган соддаю самимий чеҳрасига қараб туриб, тўсатдан ичим ёришиб кетди.

Чунки, ҳаммаси у айтгандаю юз берганига чиппачин ишондим.

Ишонмасликка бирон-бир жўяли сабаб топа олмадим.



# "ПИРОЛА" – КОРОНАВИРУСНИНГ "ЯНГИ НАФАСИ" ...МИ?

Коронавируснинг "Пирола" ёки BA.2.86 деб номланган янги штамми пайдо бўлгани ҳақида маълум бўлди. Хўш, янги штамм нима ва у нима учун хавфли?

"Пирола" – ноодатий вирус бўлиб, у иммунитети заиф беморларда учрайди ва ҳатто Омикрон билан касалланганлар орасида ҳам тарқалиши мумкин. Бу вируснинг ноёб эволюцияси бўлиб, айниқса ОИВ билан касалланган ёки кимётерапия ўтаётган беморларда кенг тарқалган ва одатда бундай мутант вируслар бошқаларга юқмайди.

"Пирола" билан касалланмаслик учун шифокорлар вирусли инфекциялар мавсумий равишда кўпайиб бораётган пайтда одамларни қўлларини мунтазам ювиш, ижтимоий масофани сақлаш ва одамлар гавжум жойларда ниқоб тақишига чақирмоқда. Бундан ташкари, пархез ва кун тартибига ҳам ётибор бериш мухимдир.

Агар инфекцияни юқтирган бўлсангиз, ёдда тутиш лозим бўлган асосий жиҳат – Пирола ҳам, ҳар қандай турдаги коронавирус каби, ўтири респиратор касаллик бўлиб, тегишли схема бўйича даволанади. Ўтири респираторли инфекциялар билан гриппга қараганда камроқ жиддий асоратлар мавжуд, аммо хавф остида бўлганлар профилактика чораларига риоя қилишлари керак.

Олимлар "Пирола"ни Омикроннинг янги тўлқинининг мумкин бўлган сабаби деб ҳисобламайдилар. Бу аллақачон мавжуд бўлганларнинг давоми: Омикрон варианлари билан касалланган одамлар касал бўлмаслиги керак, улар иммунитетни сақлаб қолиши керак. Айтиш жоизки, "Пирола"нинг аломатлари қийин бўлади деган хавотир йўқ.

## "Пирола" коронавируснинг фарқли жиҳатлари

"Пирола" касаллигининг алоҳида ҳолатлари Истроил, Буюк Британия, АҚШ, Франция ва Данияда қайд этилган. Кейинчалик вирус Швеция ва Норвегия, Канада, Жанубий Африка, Таиланд ва Гонконг, Хитойда тоғипланган. Россияда бирорта ҳам одам коронавируснинг янги штамми билан касаллангани тасдиқланмади.

"Пирола" коронавируснинг янги варианти аввал аниқланган Омикрон варианларига нисбатан бир қанча қўшимча мутацияларга эга ва у аввалингилари қараганда юқумлироқ эканлиги айтилмоқда. Мутахассисларнинг таъқидлашича, айнан вируснинг ўзгарувчанлиги жамоатчилик эътиборини тортган. Бир вақтнинг ўзида "Омикрон", "Делта"дан шунга ўхшаш мутациялар ҳажми билан ажralib турарди.

2023 йилнинг январь ойида Омикроннинг "Кракен" номли янги мутацияси пайдо бўлгани ҳақида хабар берилган эди. Ушбу штамм энг юқумли, аммо энг хавфсиз, деб ҳисобланган бўлиб, Қўшма Штатлар ва Европанинг машҳур курортларида тарқалган: Испания, Португалия, Италия, Франция, Дания, Австрия, Голландия ва Германия.

BA.2.86 турдаги коронавирус учун "Пирола" номи машҳур. Бу омикрондан кейинги юнон алифбосининг иккита ҳарфи – пи ва ҳо комбинациясидан пайдо бўлган.

## "Пирола" коронавируси қанчалик хавфли?

"Пирола" штаммининг асосий хавфи унинг юқумлилиги ва мутацияларнинг кўплигидир. Умуман олганда, тури мамилакатларда С оқсилиниң 30 дан ортиқ мутациялари қайд этилган.

"Пирола" ҳужайра ичига шу қадар тез ва самарали кириб борадики, антикорлар шунчаки ишлашга вақтлари йўқ. Шу билан бирга, шифокорлар бу штаммни камроқ вирулент, яъни патоген деб атасади ва оммавий иммунитет янги турдаги коронавирусни ёрдам беради, деб умид килишади. Ҳозиргача "Пирола" юқтирганлар орасида ўлим ҳолатлари қайд этилмаган.

Касалликнинг кўламига келсак, шифокорлар Омикрон тўлқинига қараганда кучизроқ бўлишини кутишмоқда, чунки коронавируснинг янги варианти иммунитет ҳимоясига нисбатан заифроқ. Буни Хитой ва Швеция олимлари ўтказган лаборатория маълумотлари тасдиқлади.

## "Пирола" коронавируси: аломатлар, қандай даволаш керак, никоб тақиши керакми?

Шифокорларнинг таъқидлашича, "Пирола" белгилари одатдагидек коронавирусга ўхшайди:

- ҳарорат ўртача, тахминан 38 даражага, лекин у умуман йўқ бўлиши ҳам мумкин;
- бурун оқиши, аксириш, бурун битиши;
- ўттал ва томок сғриги;
- умумий заифлик, танадаги оғриқлар;
- иштаҳанинг пасайиши, шахсий салбий реакциялар мумкин: диарея, қўнгил айниши, қусиш;
- ҳид ва таъм билиш йўқолиши мумкин, аммо бугунги кунда бу аломат коронавирус учун шартли ҳисобланмаяпти.

## "Пирола" коронавирусига қарши эмлаш самаралими?

Мутахассисларнинг таъқидлашича, Омикрон штамми учун яратилган вакциналар "Пирола" учун ҳам самаралидир. Moderna ва Pfizer ҳам ушбу вирусга қарши ўз вакциналарининг самарадорлигини эълон қилишиб.


## "Пирола" Ўзбекистонга кириб келиши мумкини?

Буғунги кунга қадар мамлакатимиз ва қўшни давлатларда коронавируснинг ушбу штамми билан касалланиш ҳолатлари қайд этилмаган, деб хабар берди Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси.

Вирусология илмий-тадқиқот институтида вирус геномини ўрганиш таҳлили натижаларига кўра, мамлакатимизда касалланганларнинг 100 фоизида Омикрон штаммининг турли хил варианлари мавжудлиги аниқланган.

"Хавотирга ўрин йўқ, мамлакатимизда эпидемик вазият барқарорлигича қолмоқда", — дейди Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси.

Шоҳида АБЗАЛОВА тайёрлади



«IMPEX INSURANCE» АЖ СКга тегишли А4 шаклининг иختиёрий тури бўйича 0016239-сонли суғурта полис бланки йўқолганилиги сабабли ҳақиқий эмас деб ҳисоблансан.

«IMPEX INSURANCE» АЖ СКга тегишли IIT-серияли Travel тури бўйича 0000034, 0000151, 0000186, 0000771, 0000772, 0000081, 0000557, 0001153, 0001478, 0001479, 0001507, 0003194, 0003544, 0003669, 0004428, 0004525, 0004602, 0004607-сонли суғурта полис бланклиари йўқолганилиги сабабли ҳақиқий эмас деб ҳисоблансан.

Ўзбекистон Республикаси Аддия вазирилиги томонидан 2019 йил 27 январда "QONUN HUQUQ VA HIMOYA" адвокатлик фирмаси адвокати Досмухамедов Азиз Атхамовичга берилган 1350-сонли гувоҳнома йўқолганилиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"Хадиҷа Кубро" номли аёл қизлар ўрта махсус ислом муассаси томонидан Абдуқадирова Нафиса Жумабековнага 2007 йилда берилган В № 0001719 рақамли дипломнинг иловаси йўқолганилиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

**TOSHKENT OQSHOMI**

Манзилимиз: 100029,  
Тошкент шаҳри, Махтумкули  
кўчаси, 49

Телефонлар:  
Кабулхона (71) 233 61 10  
Реклама (71) 233 28 95

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар  
Матбуот ва аҳборот босхармасида  
02-001-рәқами билан рўйхатга олинган

"NISO POLIGRAF"  
МЧЖ босхаронаси.  
**Нашр учун масъул  
З. НАЗАРОВ**

Топшириш вакти 00:55  
Топшириди 05:00  
Буюргма -



SCANER QIL

МУАССИС:  
ТОШКЕНТ ШАҲАР  
ХОКИМЛИГИ

Бош мухаррир  
Севдо НИЁЗОВА

Таҳририятга келган кўлёмалар кайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди.  
Газетада босилган маколалар учун муаллиф жавобгар, унинг фикри таҳририят фикридан фарқ килиши мумкин. "Тошкент оқшоми" материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.

Манзил: Тошкент вилояти, Ўрта  
Чирчик тумани, "Машшал" махалласи, Марказий кўчаси, 1-уй

Ҳажми — 2 босма табоб, офсет  
услусида босилди. Адди 500  
нусха, когоз бичими А3

Газета таҳририят  
компьютер марказида  
саҳифаланди